

ОДИЛ СУДЛОВГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИ

Гаппарова Севара Хикматулла қызы

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6673596>

Аннотация. Уибү мақолада одил судловга қарши жиноятларнинг тарихий ривожланиши хақида маълумотларни аниқлаштириши мақсадида дастлаб қабул қилинган Жиноят кодекслари билан ҳозирги Жиноят кодексини ўзаро солиштирилган. Бу солиштириши орқали Ўзбекистоннинг мустақилликгача бўлган даврга хос бўлган одил судловга қарши жиноятлар учун жазо тизими ва турини белгилаб ўтилган.

Калим сўзлар: Била туриб ёлғон хабар бериси, оммавий танбеҳ, такрорий қочиши.

ИСТОРИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ ПРЕСТУПЛЕНИЙ ПРОТИВ ПРАВОСУДИЯ

Аннотация. В данной статье сравнивается действующий Уголовный кодекс с первоначально принятыми Уголовными кодексами с целью уточнения сведений об историческом развитии преступлений против правосудия. Это сравнение определяет систему и вид наказания за преступления против правосудия в период до обретения независимости в Узбекистане.

Ключевые слова: дача заведомо ложных сведений, публичный выговор, повторное уклонение.

HISTORICAL DEVELOPMENT OF CRIMES AGAINST JUSTICE

Abstract. This article compares the current Criminal Code with the originally adopted Criminal Codes in order to clarify information about the historical development of crimes against justice. This comparison identifies the system and type of punishment for pre-independence crimes against justice in Uzbekistan.

Keywords: knowingly giving false information, public reprimand, repeated avoidance.

КИРИШ

Одил судловга қарши жиноятларнинг тарихий ривожланиши хақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Шу сабабли уларнинг тарихий ривожланишини аниқлашда одил судловга қарши жиноятлар назарда тутилган дастлабки Жиноят кодексларига мурожаат қиласиз. Шундай кодекслардан бири, 1959 йил 21 майда Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи чақириқ II сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси бўлиб, у 1960 йил 1 январдан кучга кирган. Ушбу жиноят кодексига ҳам бир неча марта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. 1988 йилда бундай ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган энг сўнги Жиноят кодексларидан Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси билан танишиб чиқасиз. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг VII боби “Одил судловга қарши жиноятлар” деб номланади 156 – 170-моддарни ўз ичига олади. Маскур Жиноят кодекси хозирги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодесидан тубдан фарқ қилмасада, бироқ ўша даврга хос бўлган хусусиятларга эга. Бу хусусиятларга куйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Жиноятларнинг санксия қисмида назарда тутилган жазолар оғиридан енгилига қараб жойлаштирилган бўлиб, жумладан: 156-модда. (Айбизз шахсни жиноий жавобгарликка тортиш) Суриштирувни олиб бораётган шахс, терговчи ёки прокурор

томонидан била туриб айбсиз шахсни жиноий жавобгарликка тортиш – икки йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Худди шу ҳаракатлар давлат ёки бошқа оғир жиноятда айблаш билан боғлиқ, шунингдек айблов далилларини сунъий яратиш билан боғлиқ бўлса, – икки йилдан беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади. 157-модда. (Судяларнинг била туриб, адолатсиз хукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариши) Судяларнинг била туриб, адолатсиз хукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни ёлланма ёки бошқа шахсий мақсадларда чиқариши – беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Ўша ҳаракатлар оғир оқибатларга олиб келган бўлса, – уч йилдан ўн йилгача озодлиқдан маҳрум этилади (бу модда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1962 йил 2 августдаги Фармони билан киритилган).

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Хозирги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Одил судловга қарши жиноятлар” бобига Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг маскур бобида белгиланган жиноятларнинг деярли кўпчилиги андоза сифатида киритилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 234-модда (Қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш)си Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 158-моддасига ўзаро жиноятнинг номи жихатидан ўхшаш бўлиб, бироқ диспозиция ва санксия қисмларида айрим фарқлар мавжуд. Бу фарқларни Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси мисолида кўрамиз,

158-модда. (Била туриб ноқонуний ҳибсга олиш ёки қамоққа олиш) Била туриб ноқонуний ҳибсга олиш – икки йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Била туриб ноқонуний қамоққа олиш – бир йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш ёки худди шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Бу мисолларни давом эттирган холда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 237-модда (Ёлғон хабар бериш)сини Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси 160-моддасига (Била туриб ёлғон хабар бериш)унга кўра: Жиноят иши қўзғатиш мақсадида жиноят содир этганлигини била туриб ёлғон хабар қилиш – икки йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Худди шундай ҳаракатлар давлат ёки бошқа оғир жиноятда айблаш билан боғлиқ ёхуд ғаразгўйлик мақсадида содир этилган ёхуд айблов далилларни сунъий равишда яратиш билан боғлиқ ёки оғир оқибатларга олиб келган бўлса, – икки йилдан беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади (бу модда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1985 йил 25 марта Фармони билан киритилган).

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 238-модда (Ёлғон гувохликлик бериш)си эса, Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси 161-модда(Била туриб ёлғон қўрсатув бериш)га: Суриштирув, тергов ёки судда гувохнинг ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон қўрсатуви, экспертнинг била туриб ёлғон хулосаси, шунингдек таржимоннинг нотўғри таржима қилганлиги – бир йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш ва шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Худди шундай қилмишлар давлат ёки бошқа оғир жиноятда айблаш ёки ғаразгўйлик мақсадларида содир этилган ёхуд оғир оқибатларга олиб келган бўлса, – бир йилдан уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади (бу модда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1961 йил 30 майдаги Фармони билан киритилган).

Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси 159-модда. (Кўрсатма беришга мажбурлаш) Сўроқ пайтида суриштирув ёки дастлабки терговни олиб борувчи шахсни таҳдид қилиш ёки бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар қилиш йўли билан кўрсатма беришга мажбурлаш – икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Худди шундай қилмишлар сўроқ қилинаётган шахсга нисбатан зўравонлик қўллаш ёки масхара қилиш билан бирга содир этилган бўлса, – беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ҳамда 163-модда (Гувоҳни таҳдид қилиш ёки пора бериш). Гувоҳни ёки экспертга нисбатан қотиллик, мол-мулкни йўқ қилиш ёки зўравонлик қилиш билан таҳдид қилиш, шунингдек одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилиш мақсадида уларга пора бериш – бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки юз рублгача жарима билан жазоланади (бу модда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1982 йил 31 декабрдаги Фармони билан киритилган). Бу жиноятлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 238-модда (Ёлғон гувоҳлик бериш) 2-қисмида янада такомиллаштирилган шаклда келтирилган. Бу каби такомиллаштирилган жиноятлардан яна бири, Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг 170-модда (Жиноят ҳақида хабар бермаслик)си хисобланади ва унинг хозирги кўриниши сифатида Ўзбекистон Республикасининг 241-моддасини келтириш мумкин.

МУХОКАМА

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 239-модда (Суриштирув ва дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиш)си Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси 164-моддаси билан фарқли жиҳати фақатгина белгиланган жазо қисмида бўлиб, маскур жиноят учун жазо Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида – базавий хисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси бўлса, Ўзбекистон ССР Жиноят кодексида – олти ойгача озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд юз рубльгача жарима билан жазоланади (бу модда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1982 йил 31 декабрдаги Фармони билан киритилган) деб назарда тутилган. Яна бир жиноят, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 240-модда (Жиноят процессини юритиши қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши) ва Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси 162-модда (Кўрсатув ёки гувоҳлик беришни рад этиш ёки бўйин товлаш)сидир. Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси 162-моддасига кўра: Суриштирув, тергов ёки суд мажлисида жабр кўрган гувоҳнинг ёки экспертнинг хулоса беришдан бош тортиши ёки кўрсатма беришдан бўйин товлаши, шунингдек гувоҳнинг ҳозир бўлиши ёки кўрсатув беришига тўсқинлик қилиши – олти ойгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки юз рубльгача жарима ёки оммавий танбех билан жазоланади.

Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг одил судловга қарши жиноятларининг аксарияти бутунлай хозирги Жиноят кодексларини фарқ қиласи ва ўша даврга хос бўлган жиноятлар ҳисобланади. Ўлар қўйидагилар:

165-модда (Белгиланган мулкни ўзлаштириш ёки яшириш) Белгиланган мулкни ушбу мулк ишониб топширилган шахс томонидан исроф қилиши ёки яшириши, – бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш юз

рубльгача жарима билан жазоланади (бу модда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1982 йил 31 декабрдаги Фармони билан киритилган).

166-модда (Хибсга олинган шахснинг қочиши). Қамоққа олиш ёки қамоққа олиш жойидан қочиш – уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Тақрорий қочиш, шунингдек, бир неча шахсларнинг тил бириктириши ёки қўриқчиларга нисбатан зўравонлик билан қўшилиб содир содир этилган қочиш – уч йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

166¹-модда. (Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташдан бўйин товлаш) Озодликдан маҳрум қилиш жойларидан қисқа муддатга чиқишига рухсат берилган маҳкумнинг жазони ўташдан бўйин товлаши, – бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (бу модда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1977 йил 31 марта даги Фармони билан киритилган).

166²-модда. Ўзига нисбатан муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш хуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги суд хукмини ижро этмаслик, – икки юз рубльгача жарима билан жазоланади. Ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш хуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан муайян фаолият билан шуғулланиш хуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги суд хукмини ижро этмаслик, – уч юз рубльгача жарима ёки ишдан бўшатиш билан жазоланади (бу модда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1982 йил 31 декабрдаги Фармони билан киритилган).

166³-модда. (Озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган шахс томонидан ахлоқ тузатиш муассасаси маъмуриятининг ўз вазифаларини бажаришига қаршилик кўрстиш, агар бу шахсга нисбатан бир йил давомида жазони ўташ тартиби талабларини бузганлик учун камера типидаги биноларга ўtkазиш (якка тартибдаги камералар) ёки қамоқхонага ўtkазиш жазо чораси қўлланилган бўлса, – уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланди. Ўша ҳаракатлар ўта хавфли рецидивист ёки оғир жиноят содир этган шахс томонидан содир этилган бўлса, – бир йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоланади (бу модда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1983 йил 20 сентябрдаги Фармони билан киритилган).

167-модда. Сургун жойидан ёки унга борадиган йўлдан қочиш – ўталмаган сургун муддатини олти ойдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштириш билан жазоланади. Тиббий-мехнат диспансеридан ёки унга борадиган йўлдан қочиш – даволаш чораларини қўллаш билан бирга олти ойдан икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўкув-мехнат диспансеридан ёки унга борадиган йўлдан қочиш – ушбу муассасада ўталмаган муддат бир йилдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилади (бу модда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1969 йил 29 майдаги ва 1979 йил 22 февралдаги Фармонлари билан киритилган). 167¹-модда (Ахлоқ тузатиш ишлари, тиббий-мехнат ва даволаш-ўкув диспансерларида сақланаётган шахсларга тақиқланган нарсаларни ноқонуний равишда бериш), 168-модда (Чиқариб юборилганларни рухсатсиз қайтариш) ва 169-модда (Яшириш)лар шулар жумласидандир.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки, одил судловга карши жиноятларнинг тарихий ривожланишини аниқ босқичма-босқич келтириб ўтилмаганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон ССР таркибида бўлган вақтдаги

Жиноят кодексларига назар ташласақ, ўша даврга хос бўлган хусусиятлар жумладан, жарима жазосини рубль билан белгилаш ёки оммавий танбеҳ жазоси, одил судловга қарши жиноятларнинг номланиши ва маънолари бир-биридан тубдан фарқ қилиши айни ҳақиқатадир. Ўша даврдаги бошқарув тизими жиноятчиликнинг ўсишини тўхтатишга қодир бўлмай қолганлиги сабабли ҳам, янги – янги Жиноят кодекслари қабул қилинган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси [2021 йил 1 апрелгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан] – Т.: «Yuridik adabiyotlar publish», 2021 й. – 544 б.
2. А.Х. Сайдов, Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар – Т.: Адолат, – 2002. – Б. 61.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.02.2021-й., 03/21/671/0093-сон